ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРС

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА:

# ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

## МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

● ТЎЛҚИН— «Умрдан ҳадя», «Юлдузлар тўкилмайди», «Севгим», «Очиқ хат» шеър ва поэмалар тўпламлари, «Ёр мактуби», «Биринчи муҳаббат бекати», «Севара» қисса ва ҳикоялар тўпламлари муаллифи. «Ёш гвардия» нашриётида ишлайди.

● Матниёз ЮСУПОВ— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Ўнга яқин драма ва комедиялар учун музикалар, опера ва балет куйлари, 80 га яқин замонавий қўшиқлар муаллифи. У Хоразм мақомлари ва халқ куйларини жамлаш ҳамда нашр этиш борасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

● Барот ИСРОИЛ—«Бойчечак», «Най навоси», «Оқ булут» шеърий тўпламлари, «Оқ олтин», «БАМда баҳор» қўшиқлар тўпламларининг муаллифи. Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетида ишлайди.

● К. РОМЕЕВ—1927 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Республикамиз маданияти ва санъатига оид хилма-хил жанрдаги фотосуратлари билан матбуотда фаол қатнашиб келади. Кўпгина республика фотокўргазмаларида қатнашган, Ўзбекистон ССР театр жамияти аъзоси.

Муродбек Ҳамроев — атоқли адабиётшунос олим, катта қалбли шоир, моҳир таржимон эди.

Мурод Каримович уч тил — уйғур, ўзбек ва рус тилларида баббаробар маҳорат билан ижод қиларди. У кўпгина уйғур классик шоирларининг ғазалларини рус тилига юксак савияда ағдариб, нашр эттирганди. Мурод Ҳамроев ўзбек шоирларининг шеърларини ҳам таржима қилиб, поэзиямизни тарғиб этишга бебаҳо ҳисса қўшди.

Мурод Ҳамроев айниқса «Тошкент оқшоми» газетасининг қадрли муаллифларидан бири эди. Умрининг сўнгги кунларигача у газетадан қадамини узмади.

Қадрли дўстим, биродарим Мурод Ҳамроев хотирасига шеър бағишладим. Бошқа нима чорам бор, ахир.

● Абдулла ОРИПОВ

## *Дўстим Мурод Ҳамроев хотирасига*

Мен кўриб турибман,
Ер-осмон парчин.
Фарзандинг фиғони кўкларга ўрлар.
Бир ёнда ўзбеклар эгибди бошин,
Бир ёнда болам деб йиғлар уйғурлар.
Нима қилиб қўйдинг,
О, дўстим Мурод,
Наҳот ўлимда ҳам сен бўлдинг пеша.
У аҳду паймонлар бўлди-ку барбод,
Якка ов қиларкан ажал ҳамиша.

Минглаб йил ўтса ҳам осмон қаърида
Тўқнашмас фалакнинг икки тўзони.
Не бахтким, ўзбекнинг мунис бағрида
Менга дўст бўлгандинг, уйғур ўғлони.

Нега яхшиларга нотанти ҳаёт,
Нега ғаним қолиб, дўст кетар нега?

Улуғ олим эдинг, ўзинг айт, Мурод,
Табиат ишига бормикан эга?

Нетай, жанозангга кечикдим ўзим,
Ногоҳ бу зарбадан қолдим довдираб.
Кимга хитоб айлай, Мурод, азизим,
Боқурман қабрингга энди жовдираб.



## ТЎЛҚИН:

# «ТОШКЕНТИМДА БИР КЎЧА БОР...»

### ДИЛ КАЛОМИ

Тошкент шаҳрин биқинида
Уста Ширин кўчаси,
Икки ёнда тик тераклар
Шовуллайди бетиним.
Кундузлари ҳаёт қайнар,
Сутдек ойдин кечаси,
Бунда яшаш тўхтамайди,
Кўкси узра йўқ тиним.

Оқшомлари қўл ушлашиб
Ошиқ-маъшуқлар ўтар,
Тунда сонсиз юлдузлари
Тепасида парвона.
Менга эса шу кенг кўча
Болалигим эслатар,
Шу кўчада улғайганман,
Менга бўлган у она!

Бир пайтлар тупроқ эди
Ва тор эди бу кўча,
Ундан яёв юриб бизлар
Қатнар эдик мактабга.
Кўча чети ариқдаги
Зилол сувлардан ича,
Югурардик, чопар эдик,
Интилардик офтобга!

Кечалари соя тўшаб
Баланд, сершох ёнғоқлар,
Бизнинг жажжи дилимизга
Қўрқув солмоқ бўларди.
Аммо зарра чўчимасдан
Аҳил, иноқ ўртоқлар
Ўйнар эдик,
шодликларга —

Тор кўчамиз тўларди.
Йиллар ўтди, мана энди
У йўллардан асар йўқ,
Улар ўрнин эгаллади
Шаҳримда машҳур кўча.
Ҳар кун тонгда ундан
ўтсам,
Кўнглим доим бўлар тўқ,
Бугун ҳам мен кетаяпман,
Хаёлга чўмиб пича...

Кеча-кундуз тинмас
қатнов,
Ўтиб борар одамлар,
Турна қатор машиналар,
Тугамайди давоми.

Шу кўчада қолиб кетди
Қанча-қанча қадамлар,
Шу кўчада яшаб келар
Эзгу диллар каломи!

Қанча шоир, қанча олим
Хаёл суриб ўтгандир,
Қарсак чалган тик
тераклар
Гувоҳдир бунга асли.
Кўплар келиб бу кўчага,
Кўплар бундан кетгандир.

Яхши-ёмон кунлар ўтди,
Ўтди қанча йил фасли!

Аммо кўча ўша-ўша,
Ястаниб ётар мағрур,
Гўё она чўнг кафтини
тутиб турар:
— Йўл юр! — деб,
Йўлчиларга, йўлдошларга,
Йўлбошларга ташаккур,
Укдирарлар йўл юрганда,
Чарчамасдан, мўл юр деб,
Олис-олис йўл юр деб!..

* * *

Кўплар излаб шодлик
чоғларни,
Яратиб ва қуриб ўтдилар.
Кимлар эса обод боғларни
Пайҳон этиб, юлиб
ўтдилар.

Минг-минг инсон авлод-
авлодга
Порлоқ йўллар очиб
кетдилар.
Кимлар бефарқ қараб
ҳаётга,
Эл кўзидан қочиб ўтдилар.

Шу тупроқни она деб
кўплар
Кўзга суртиб ўпиб яшади.
Кўзи тўймай, яна деб
кўплар —
Уриб, суриб, тепиб яшади.

Аммо ҳаёт тўхтамас асло,
Ер айланар тинмай
мардона.
Яхшилардан қолган бу
дунё,
Яхшиларга қолади яна!..

### КУНЛАРИМ

Югурик бу кунлар чопиб
ўтмоқда,
Юрилган йўлларни шонга
ўрайди.
Эртанги насибам муштоқ
кутмоқда,
Ва лекин ҳар оним ҳақин
сўрайди.

Кечаги кунимиз ширин
туюлур,
Келажак ишқида олам-
олам завқ.
Шодлик ҳам, қайғу ҳам
қалбга қуюлур,
Ва лекин барчаси сўраб
турар ҳақ.

Онлардан асрлар яралиб,
яна —
Давом этаверар ҳаёт ва
замон.
Кунлар яшаш билан қилур
тантана,
Ва лекин ҳақ сўраб турар
ҳар бир он,

Энг сўнгги нафасда
яшалган умр.
Хаёл кўзгусида кўринар
бир бор.
Ўшанда юраклар орзиқиб
бир қур.
«Воҳ!» дея ўксиниб
қолмайлик зинҳор!

Дамлар инъомларин
аямай тутса,
Олам ташвишлари,
дарди арийди.
Ҳар куним бир эзгу ишқ
билан ўтса,
Қанийди!..
Қанийди...

# Тошкентни соғинганда

Матниёз ЮСУПОВ музикаси

Барот ИСРОИЛ шеъри



Юриб узоқ сафарларда,
Ёз, куз, қишу баҳорларда,
Йўл юриб тонг, саҳарларда,
Кезиб йироқ шаҳарларда,
Соғинганман,
қадим кентим,
Тошкентим.

Қушдек кўкда учдим равон,
Машинада ошдим довон,
Кемаларда суздим уммон,
Қолиб гоҳи хатарларда,
Соғинганман,
қадим кентим,
Тошкентим.

Тоғлар боши туман, тошлоқ,
Ён бағрида қўзи, улоқ,
Сой бўйида яшил қишлоқ,
Кун чиқиш, кун ботарларда,
Соғинганман,
қадим кентим,
Тошкентим.

Соғиндим, эй шаҳри азим,
Соғинишдан учар кўзим,
Камолингга этиб таъзим,
Учиб борай наҳорларда,
Соғинганман,
қадим кентим,
Тошкентим.

## *М. Авезов номли қозоқ Давлат академик драма театрининг Тошкентдаги гастроллари*



# САҲНАДА «АЛИШЕР НАВОИЙ» ДРАМАСИ

Пойтахтимизда М. Авезов номидаги қозоқ Давлат академик драма театрининг гастроллари муваффақиятли ўтмоқда. Пойтахт театр жамоатчилиги, томошабинлар қозоқ санъаткорларининг маҳоратига, образ яратиш услубига юксак баҳо бериш моқда.

Театр коллективининг Уйғун ва Иззат Султон пьесаси асосида саҳналаштирган «Алишер Навоий» драмаси ҳам зўр эътибор билан кутиб олинди. Ўзбек театр санъати тараққиётида муҳим ўрин тутган бу асар қардошларимиз саҳнасида ўзбек ва қозоқ санъаткорларининг ижодий ҳамкорлиги билан яратилди. Спектаклдаги А. Навоий образини истеъдодли актёр, Қозоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Тўнғишпай Жаманқулов яратди.

Томошабинларимиз Ҳусайн Бойқаро ролини ижро этган СССР халқ артисти Идрис Нўғайбоев яратган образни ҳам юксак баҳолашмоқда.

**СУРАТЛАРДА: М. Авезов номли театрнинг «Алишер Навоий» спектаклидан саҳналар. Навоий ролида Т. Жаманқулов, Гули ролида Г. Ералиева, Қулмуҳаммад —Р. Телубаев; Қундуз —Р. Давлетшина.**

**К. Ромеев** фотолари.

● Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ
1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1979 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Қисса ва ҳикоялари вақтли матбуотда, «Ёшлик» журналида эълон қилинган.



# «ФАЙЛАСУФ»

## ҲИКОЯ

Пешиндан кейин ҳаво яна айниди. Шамол ҳар ёққа тўзғитиб юрган қора булутлар бир ерга тўпланиб, ёмғир томчилади.

—2—

Ҳозиргина йўлакни тўлдириб, ярмаркадаги қатор магазинларга кириб-чиқиб юрган одамлар сийраклашиб қолди.

Нормат чуқур хаёлга ботганча буғдойранг кулча юзига аста урилаётган томчиларга парво қилмай қадам ташларди. Сарғиш плашчининг тугмалари ҳам солинмаган. Тутундан сарғайиб кетган тишлари орасидаги сигарет учига бир томчи тушди-да, шундоқ ҳам зўрға милтиллаб турган чўғи ўчди. Уч-тўрт томчи юзидан сидирилиб бўйнига, сўнг ичига ўрмалади. Бадани сесканиб, жунжикди. Беихтиёр елкалари қисилиб, ёқасини кўтарди. Ёмғир тезлашганидан пана жой қидириб қолди. Четроқдаги очиқ эшикка ўзини урган икки йигитга эргашди. Ўн чоғли одам пивохўрлик қилмоқда. Баъзилари ёмғирдан қочиб,ноилож кирган бўлса керак, кўзи ташқарида. Нормат ноилож бир кружка пиво олиб, зал бурчагида ёлғиз ўтирган шляпали басавлат йигитга яқинлашди.

— Бўшми?!

Шляпали «ҳа» дегандек бош ирғади-да, қўлидаги кружкани бир кўтаришда бўшатди. Сигарет ёндириб, Норматнинг ўйчан қиёфасига назар солди. У эса кружкага тикилганча қимир этмай ўтирар, хаёлан ярим соат олдин директор ўринбосаридан эшитган танбеҳини қайта-қайта эсларди.

Танбеҳ эшитишига бир ишчининг сабабсиз ишга келмагани ва яна бирининг пешиндан сўнг сўрамай кетиб қолгани сабаб бўлди. Яқиндагина ишга ўтган

—3—

Халил Ўрунович иккита станокнинг ишламай турганини кўрди-ю, ёшлик қилибми қизишиб кетди. Вақтинча цех бошлиғи ўрнида қолган Норматни икки оғиз нордон гап билан узиб олди.

— Эпласангиз ишни бошқаринг-да! Бу ер, нима подахонами?!..

— Ахир... мен...

Жиккакгина Халил Ўрунович гапни ҳам эшитмай, қўл силтаб кейинги цехга ўтиб кетди. Нормат уч-тўрт ишчининг ачингандек қараб турганини сезганда, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Шунча йил ишлаб, мастерликкача бўлган йўлни босиб ўтган, лекин ҳеч кимдан бундай қаттиқ танбеҳ эшитмаган эди. Табиатан беозор бўлгани учунми, фақат ўзини айбдор ҳис қилар, ўзининг бўш-баёвлигига йўярди. «Қаердан ам рози бўлдим вақтинча цех бошлиғи бўлишга? Яна биринчи куни шунча гап эшитсам-а? Бир ойгача нима бўлади бу аҳволда?!...» Айбдор эмаслигини ҳис қиларди-ю аммо ўзини оқлашга кучи етмай қийналарди.

— Машқингиз пастроқ кўринади?!

Дўриллаган овоздан Нормат ўзига келди. Яна пиво олиб келиб, шўр данак очаётган йигитга ўгирилди. Ўзини зўрлаб кулимсиради. Кулгиси касал одамнинг дардни ичга ютиб аламли илжайишига ўхшаб кетди.

— Ҳа, бир оз... ишда нималар бўлмайди.

Йигит ишда сўзини эшитиб, ойдан тушган одамни кўриб қолгандек бўйнини

—4—

чўзиб қараркан, масхараомуз лабини жийирди.

— Одамларга ҳайронсан! Иш, ўқиш деб жони ҳалак. Эсини танигандан то ўлгунча тиниб-тинчимайди. Ваҳоланки, бундай ўйлаб қарасанг ҳаммасининг дарди бир. Лекин, кўпчиликнинг худди шу нарсага ақли етмайди... Одамдан соддаси йўқ экан-да, бу дунёда. —У гаплари қандай таъсир қилаётганини билмоқчидек Норматнинг юзига тикилиб турарди. Унинг ҳайрон бўлиб турганини кўриб, сўради.— Сиз менга айтинг-чи, ишга нима учун боради одам? Ўқишга-чи?

— Ўқишга... ҳа... билим...

— Эй, қўйсангиз-чи, бу фалсафани ўзим ҳам биламан,—чўрт кесди йўғон гавдасини орқага ташлаб, кажавадек қорнини силаркан,— домланинг китобий гапларини қўйсангиз-чи! Радио ҳам, газета ҳам ҳар куни «меҳнат—бахтим, қувончим» дегани деган. Асосий мақсад нима? Сиз менга шундан гапиринг, яъни мағзидан гапиринг яшашни!?

— Кеч... кечирасиз, тушунмадим!

Норматнинг таажжуби янада ортганини кўриб, хит бўлди. «Бу гапнинг нимасига тушунмайсан», деган маънода кўзларини қисиб қаради. Сўнг, негадир сал энгашиброқ секин сўради.

— Қаерда ишлайсиз?

— Заводда, мастер бўлиб,— деди Нормат ҳам секин, ундаги ўзгаришни сезмаган бўлиб. Нотаниш шеригининг кўнгли жойига тушди шекилли ўзини бепарво

—5—

тутишга ҳаракат қилди. Гавдасини тиклаб, мағрур қаради.

— Қанча «соққа» оласиз?— деди менсимайроқ.

— Соқ... Ҳа, ойлик демоқчисизда? Икки юзга яқин.

Норматни бошдан-оёқ қайта кўздан кечирар экан, ўзини бутунлай қўйиб юбориб, энди санлаб гапиришга ўтди.

— Ҳамма ғалва шунинг устида-да. Нима учун эртадан кечгача икки букилиб ишлайсан?! Кўпроқ пул топа қолай, бошқалардан яхшироқ яшай деб, ё нотўғрими? Одамларнинг асосий мақсади ҳам — ана шунинг ўзи. Сен эса тушунмадим, деб ўтирибсан-а.— У Норматнинг елкасига енгил уриб қўйди.— Пиводан ич, яна олиб келаман!

Пулни пўчоқ ўрнида кўрмаслиги гапларидан билиниб турган зиёлинамо нотаниш шеригининг сўзлари Норматни қизиқтириб қолди. Диққати унга жалб бўлди.

— Менимча, ўзингиз ҳам ишласангиз керак?!

Яна бир кружкани бўшатган шляпали илжайди. Анчадан бери ўтирган бўлса керак товоқдек юзларига қон югуриб, пешонаси терлади. Йўғон бармоғини бўйнига суқиб, ола-чипор галстугини бўшатган бўлди.

— Ҳозирги пайтда ишламаса бўладими? Закон қаттиқ, бекор юриб кўр-чи! Лекин, гап ишдамас, яшашни билиш керак. Яъни,

—6—

ҳаёт мағзини чақиш керак, оғайни. Ўзинг бир ўйлаб кўр: азондан уйқусини ҳаром қилиб ўқишга, ишга югуриб юрганлар борми ёки баландпарвоз гаплар билан одамлар бошини қотириб юрганлар борми, ҳаммаси бир нарсага интилади: дарди-фикри пул. Бўлмаса нима кераги бор бу ҳаракатларни. «Пул бўлса, чангалда шўрва», деб бежиз айтишмаган. Мен эса, шундоқ ҳам улардан кам яшаётганим йўқ. Тагимда охирги марка «Жигули», уй-жойим манман деган профессорникидан қолишмайди. Яна нима керак менга? Унча-мунча одамни пул билан бир уриб йиқитишга қурбим етади. Қаерга бормай иззатим жойида. Ҳар куни ресторан, официанткалар атрофимда гирди-капалак, Охунбойвачча келди деб, қўлимга қарашади.

Унинг сўзларидан энсаси қота бошлаган Нормат савол ташлади:

— Савдо соҳасида ишласангиз керак-да!?

Охунбойвачча кулиб юборди.

— Жа, содда экансан-ку! Савдода иш қобтими, текшир-текшир билан. Мактабда «тунги директорман», уч кунда гал келади. Бу ҳам номига, ўрнимга шерикларим туриб, пулни бўлиб олишади. Ўзим шаҳарма-шаҳар юраман, кўрмаган, бормаган жойим қолмади. Оҳ, оҳ қизларни айтмайсанми? Яшагандан кейин мириқиб яшаш керак-да, а лаббай.

Шеригининг «касби»га ақли ета бошлаган Нормат фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсади-да, яна савол берди.

—7—

— У шаҳардан бу шаҳарга камёб моллардан олиб бориб сотар экансиз-да?

Охунбойвачча жиддий тортди. Атрофга кўз югуртирар экан, унга изоҳ берди:

— Ҳаммасидан бор, машинагача топилади,— деди киборлик билан кўкрагини кериб қўяркан. Суҳбатдошини қойил қолдирганига тўла ишонч ҳосил қилди шекилли, ўрнидан қўзғалди. Хайрлашар экан, пичинг отди.— Одамлар ҳам юриб ди-да, пул топаман, оила боқаман деб. Озгина миясини ишлатса-ю!

Нормат яна хаёлга чўмди. Халил Ўруновичдан эшитган танбеҳ ёдидан кўтарилиб, энди унга «инсоннинг яшашдан мақсади нима?» деган савол тинчлик бермай қўйди. Кўп ўтмай, зал гўё торайиб, ҳаво етишмаётганга ўхшаб туюлди. Шифтгача сузиб юрган бадбўй ҳид ҳам кўнглини лоҳас қила бошлаган эди. Нафас олмасликка ҳаракат қилиб ташқарига чиқди.

Ёмғирдан сўнгги мусаффо ҳаводан бадани яйраб кетди. Лекин, кўнгли ҳамон хира тортиб, «бойвачча»нинг сўзларини ўйларди: «ҳаёт мағзини чақиш керак, яшашни билиш керак». Наҳот, мен нотўғри яшаётган бўлсам? Наҳотки, барча ишлаётганларнинг ақли уникидан паст бўлса, ҳаёт мазмунига тушуниб етмаган бўлса?

У яна йўлкаларни тўлдириб, юмушлар кучоғида шошиб юрган одамларга тикилди. Улар орасида турли касбдагиларни учратиш мумкин. «Қаерга шошмоқдалар,

—8—

дилларида қандай ният? Яшашдан мақсадлари нима? Ҳаёт мағзини чақа олишганми?».

Нормат ўзига-ўзи савол берар экан, одамларга қарата: «Айтингчи, сиз яшаш, ҳаёт мағзини чақа олдингизми!? Нима учун бунчалик елиб-югуряпсиз!? Яшашдан мақсадингиз нима!? Қилаётган ишингиз, сўзлаётган сўзларингиз остида қандай ният ётибди!? Ўз хатти-ҳаракатларингиз тўғрисида ўзингизга бирор марта ҳисоб бериб кўрдингизми!?» дея хитоб қилгиси келар, уларнинг жавобларидан эса ўзининг меҳнатига, ўтаётган умрига баҳо беришни истарди.

Шу пайт тасодифан учраб қолган «файласуф» кўз олдига келди: хамирдек кўпчиб кетган юзи, бежо боқувчи кўзлари негадир қонини қайнатди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда «туф» деди-ю, чайир бармоқларидаги сигаретни лабига қистирди. Асабий ёндирди-да, кенг йўлкадан дадил одим отганча йўлга тушди.

Булоқ сувидек кўм-кўк осмонда қуёш порлаб, узоқ-узоқларда шамол ҳар томонга қувиб юрган қора булутлар кўзга ташланади. Уфқ тоза. Демак, эртанги кун бугунгидан тоза, сернур, серёғду бўлади.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

